

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

344 Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-
ришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
29 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябр-
даги 295-сон «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини
такомиллаштириш ва истеъмол қилинаётган электр энергияси учун ҳисоб-
китоблар интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмита-
сининг 2010 йил 7 июлдаги 53, 2010-32-сон қарори (рўйхат рақами 2127,
2010 йил 31 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2010 й., 31-сон, 263-модда) билан тасдиқланган Электр энергиясини сотиш-
ни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага
мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 24 июнь,
55-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 24 июнь,
2015-21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2015 йил 24 июндаги
55, 2015-21-сон қарорига
ИЛОВА

**Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**Электр энергиясининг истеъмолчи** — юридик шахслари ХЭТК билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида, фойдаланилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузишлари шарт.».

2. 6-банднинг биринчи хатбошисидаги биринчи жумла қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Истеъмолчи — юридик шахснинг электр энергияси (қуввати) учун, шунингдек жарима санкциялари, реактив энергия ва қувват компенсацияси учун тарифга устамалар, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.».

3. 42-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«42. Электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ва қувватнинг иқтисодий қиймати, айнан шу соатларда реактив қувват ва (ёки) реактив энергия истеъмолининг бир ойдаги техникавий чегаралари, улар ХЭТК томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган истеъмолчилар томони-

дан мажбурий тартибда тузиладиган электр тармоқларининг ишлаш режимлари ҳисоб-китоблари асосида белгиланади.».

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси билан келишилган.

*«Ўзбекэнерго» ДАК
Бошқарув раиси*

И. БАСИДОВ

2015 йил